I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йилнинг январ-июнида Андижон вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда – ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 16 127,2 млрд. сўмни ташкил этди ва 2019 йилнинг январ-июни билан таққослаганда 5,0 % га ўсди. ЯҲМ дефлятор индекси 2019 йил январ-июнидаги нархларга нисбатан 113,7 % ни ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМнинг шаклланишида Андижон вилоятининг қўшган ҳиссаси 6,3 % га етди.

Январь-июнь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръатлари

		Млрд. сўм		*2019 йил январ-июнига нисбатан, % да*
		2019 йил январ-июн	*2020 йил январ-июн*	
	I. ЯҲМ	**13 513,2**	**16 127,2**	**105,0**
	шужумладан:			
	Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	13 033,2	15 289,8	105,1
	Маҳсулотларга соф солиқлар	480,0	837,4	102,6
	II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	**13 033,2**	**15 289,8**	**105,1**
	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	5 090,0	5 911,1	108,5
	Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	3 873,3	4 597,5	104,7
	саноат	3 164,9	3 714,3	105,6
	қурилиш	708,4	883,2	100,4

		Млрд. сўм		2019 йил январ-июнига нисбатан, % да
		2019 йил январ-июн	2020 йил январ-июн	
	Хизматлар	4 069,9	4 781,2	101,2
	савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	937,0	1 065,5	100,8
	ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	759,1	836,4	101,1
	бошқа хизмат тармоқлари	2 373,8	2 879,3	101,5

Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 5 135,2 минг. сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,9 % га юқоридир.

Январь-июнь ойларида аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ ҳажми ва ўсиш суръатлари



Ҳудуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ЯҲМнинг 94,8 фоизини, маҳсулотларга соф солиқлар эса 5,2 фоизини ташкил этди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 0,4 % пунктга камайди ва ҳисобот йилида 38,7 % ни ташкил этди. Саноат тармоғининг улуши 24,3 % ни ташкил қилди ва ўтган йилнинг мос даври билан таққосланганда ўзгармади. Қурилиш соҳасида эса 0,4 % пунктга ўсди ва 5,8 % га етди. Хизматлар соҳасининг ЯҲМ таркибидаги улуши 31,2 % ни ташкил қилди ва ўтган йилдаги кўрсаткич сақланиб қолди.

Январь-июнь ойларида иқтисодий фаолият турлари ЯҲМ таркиби *(жамига нисбатан % да)*

		2019 йил	*2020 йил*
	I. ЯҲМ	**100,0**	**100,0**
	шужумладан:		
	Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	96,4	94,8
	Маҳсулотларга соф солиқлар	3,6	5,2
	II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	**100,0**	**100,0**
	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	39,1	38,7
	Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	29,7	30,1
	саноат	24,3	24,3
	қурилиш	5,4	5,8
	Хизматлар	**31,2**	**31,2**
	савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	7,2	7,0
	ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	5,8	5,8
	бошқа хизмат тармоқлари	18,2	18,7

Январь-июнь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ таркиби *(жамига нисбатан % да)*



ЯҲМнинг ўсиши ҳудуд иқтисодиётининг асосий тармоқларидаги ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқдир. Ўсиш суръатлари қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 108,5 % (ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши – 38,7 %), саноатда – 105,6 % (24,3 %), қурилишда – 100,4 % (5,8 %), хизматлар соҳасида – 101,2 % ни (31,2 %) ташкил этди. Хизматлар соҳаси таркибида ўсиш суръатлари савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда 100,8 % (7,0 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа 101,1 % (5,5 %), бошқа хизмат тармоқларида 101,5 % дан (18,7 %) иборат бўлди.

Январь-июнь ойларида ЯҲМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича мутлақо ўсиш суръатлари

(ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да)



2020 йилнинг январ-июнида иқтисодиётнинг “Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги” каби тармоқлари ЯҲМнинг мос равишда 3,2 ф.п. (2019 йилнинг январ-июнида 0,4 ф.п.), саноат 1,3 ф.п. (2019 йилнинг январ-июнида 4,5 ф.п.), хизматлар 0,4 ф.п. (2019 йилнинг январ-июнида 1,7 ф.п.) га ўсишига ҳисса қўшди. Маҳсулотларга соф солиқларнинг ошиши ҳисобига ЯҲМнинг 0,1 ф.п. га ўсиши таъминланди (2019 йилнинг январ-июнида 0,3 ф.п.).

2020 йил январь-июнь ойларида ЯҲМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси *(жамига нисбатан % да)*

2020 йил январ-июнда ЯҲМ дефлятори индекси 2019 йил январ-июнидаги нархларга нисбатан 113,7 % ни ташкил этди. ЯҲМ дефлятори индексининг энг юқори кўрсаткичлари қурилишда – 124,1 % ва хизматларда – 116,0 % қайд этилди.

январь-июнь ойларида ЯҲМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича дефлятор индекси
(ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да)

Ялпи ички (ҳудудий) маҳсулот
январь-июнь ҳолатига